
ЧЕМПИОН БЎЛИБ ҚАЙТИШДИ

Ёзёвон полвонлар юрти. Ўз даврида полвонларимиз доврўғи республикадан оша хорижий давлатларда ҳам машхур бўлган.

Бугунги кунда ҳам ёш полвонларимиз ота-боболарининг анъаналарини давом эттирмоқдалар. Болалар спорт мактабининг Адхам Мўйдинов, Маъмуржон Сулаймонов, Асадулло Муродов, Манзура Мўйдинова каби мураббийлар белбоғли кураш бўйича тарбиялаётган ёш полвонлар Наманганда бўлиб ўтган Ўзбекистон чемпионатида ўзларини кўрсатишди. 2006-2007 йилларда туғилган ўсмир ва қизлар ўртасидаги бу мусобақада Изатилло Абдукаримов I ўринни эгаллаб, Ўзбекистон чемпиони бўлди. Маматкаримов Аслонбой II ўрин, Абдуназар Жўрабоев ва Райхона Маматкаримова эса фахрли III ўринни эгаллаб, совриндор бўлишди.

Ёзёвон тумани ҳокимлиги ахборот хизмати

2019-10-29 09:32:52